

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги  
муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни ўрганиш бўлимига ишга  
қабул қилиш бўйича танловда иштирок этадиган номзодга бериладиган  
саволлар рўйхати**

**1. ТЕСТ САВОЛЛАР.**

1. Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг муҳокамаси портали бу?
2. Ғўлани 3 жойидан араласа, у неча бўлакка бўлинади?
3. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи дунёда амал қилувчи қайси ҳуқуқ тизимига киради?
4. Калькуляторсиз ҳисобланг:  $12-6:3+2\cdot4$
5. Ҳуқуқ нормаларининг тузилиши қандай қисмлардан иборат?
6. Фуқаролик қачон ўзгаради?
7. Ишга қабул қилишда йўл қўйиладиган ёшни аниқланг.
8. Фуқаро тўлиқ муомала лаёқатига неча ёшдан эга бўлади?
9. Жисмоний шахсларга етказилган маънавий зарарни ундириш қайси кодекс билан тартибга солинади?
10. Омбудсман бу?
11. Даъво қилишнинг умумий муддати қанча?
12. Никоҳ асосида қандай муносабатлар вужудга келади?
13. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни ким ва қайси давлат органи амалга оширади?
14. Оила муносабатларини тартибга солиш қандай тамойилларга асосланган?
15. Ўзбекистон Республикасида қайси орган халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш ҳуқуқига эга?
16. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг сайловдан кейинги биринчи йиғилиши қачон чақирилади?
17. Мулкдорларнинг қандай бурчлари мавжуд?
18. Судда ишларни ёпиқ мажлисда кўриб чиқишга қандай ҳолларда йўл қўйилади?
19. Ўзбекистон Республикасида солиқларни қайси орган жорий қилади?
20. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида нечтадан ортиқ давлат ҳокимияти вакиллик органи депутати бўлиши мумкин эмас?
21. Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қайси ҳуқуқ ва эркинликлари гуруҳига киради?

22. Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қайси ҳуқуқ ва эркинликлари гуруҳига киради?

23. Қайси ҳолатда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида фавқулотда ҳолат эълон қилинади?

24. Қуйидаги қайси мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятнома ва ишончномалар нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштирилган?

25. Ота-оналар янги туғилган боласини қанча вақтда рўйхатдан ўтказиши зарур?

26. Қасддан одам ўлдирганлик учун қайси ёшдан жавобгарлик юзага келади?

27. Суғурта нима?

28. Килобайт неча байтдан иборат?

29. Байт неча битдан иборат?

30. Фуқаролик ҳуқуқи нормаларидан ташқари, яна қайси ҳуқуқ соҳалари мулкӣ муносабатларни тартибга солади?

31. Фуқаролик қонунчилигининг вақт бўйича амалда бўлиши қандай?

32. Қайси ҳолларда асарларни муаллифнинг розилигисиз ижро этишга йўл қўйилади?

33. Қуйида кўрсатилганлардан қайси бирлари мерос олиш ҳуқуқига эга эмас?

34. Республикамизда паспорт тизимини бузганлик учун қандай жавобгарлик белгиланган?

35. Шахс неча ёшдан ишсиз деб эътироф этилиши мумкин?

36. Меҳнат кодексига асосан меҳнат интизомини бузган шахсга нисбатан қандай интизомий чоралари қўлланилиши мумкин?

37. Қуйидагилардан қайси бири жиноий жазо турига кирмайди?

38. Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазо чорасини қўллашга ваколатли органларни кўрсатинг.

39. Қуйидагилардан қайси бири давлат пенсия турларига киради?

40. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси қандай орган?

41. Умумий жиноий жавобгарлик неча ёшдан вужудга келади?

42. Жиноят қонунчилигига кўра «анча миқдордаги зарар» деганда қандай зарар тушунилади?

43. Шаҳар, туманларни ташкил қилиш ва уларни тугатиш ваколати қайси органга юклатилган?

44. Ҳуқуқбузарликни вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши бу?

45. Меҳнат шартномасини қанча муддатга тузиш мумкин?

46. Фуқаро тўлиқ муомала лаёқатига неча ёшдан эга бўлади?

47. Вояга етмаганлар маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун қуйидагилардан қайси маъмурий жазо қўлланилмайди.

48. Қандай ҳолларда шахс фуқароликни йўқотиши мумкин?

49. Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонуни қачон қабул қилинган?

50. Вазирлар Маҳкамасининг шошилинич ва бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлари қандай шаклда қабул қилинади?

51. Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги ва жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари қандай шаклда қабул қилинади?

52. Қуйидагилардан қайси бири акциядорлик жамиятини бошқаришнинг олий органи ҳисобланади?

53. Ўзбекистон Республикаси нечта давлат билан чегарадош?

54. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуни қачон қабул қилинган?

55. Қуйидаги ҳолатлардан қайси бири маъмурий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўла олмайди?

56. Жиноят таркиби қандай асосий элементлардан ташкил топган?

57. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига асосан қайси жазо тури ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо сифатида қўлланилиши мумкин?

58. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига нечта турдаги асосий жазолар мавжуд?

59. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турларини кетма-кетликда кўрсатинг?

60. Интеллектуал мулк объектлари жумласига нималар киради?

61. Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш ҳуқуқи йўқ субъектни белгиланг.

62. Агар бугун чоршанба бўлса, 19 кундан кейин ҳафтанинг қайси куни бўлади?

63. “Сон” ва “рақам” сўз жуфтлиги маъноларидан келиб чиқиб, жавоблар орасидан “сўз” сўзининг жуфтини танланг.

64. Ишчининг маоши дастлаб 20% га, сўнгра яна 20% га оширилган бўлса, унинг маоши неча фоизга ошган?

65. Агар хозир вақт 11:38 бўлса, 99 дақиқадан кейин соат неча бўлади?

66. Англияга практикага келган 22 талабанинг 12 таси инглиз тилида, 14 таси немис тилида гаплашади. Қанча талаба шу икки тилда сўзлашади?

67. Отаси ўғли билан бирга 42 ёшга тенг, ўғли ва бувасининг ёши 67 га тенг, отаси ва буваси бирга 87 ёшда. Ўғли, отаси ва буваси алоҳида неча ёшга тенг.

68. Арифметик прогрессиянинг кейинги ҳадини топинг. 8, 13, 18, 23, ...

69. Арифметик прогрессиянинг кейинги ҳадини топинг. 17, 19, 21, 23, ...

70. Қонуниятни топинг. 4, 5, 8, 9, 12, 13, 16, ..., ...

71. Агар бугунги кун душанбадан кейин келмаса ва пайшанбадан олдин бўлмаса, кеча ва эртага якшанба эмас, эртадан кейин эса шанба бўлмайди ва кечадан олдин чоршанба эмас эди. Бугун ҳафтанинг қайси куни эканлигини аниқланг?

72. Қўлларда 10 та бармоқлар бор, 10 та қўлда нечта бармоқ бор?


73. 2 кг.ли қадоқ тош, 1 кг ва яримта ғишт оғирлигига тенг. Битта ғиштнинг оғирлиги қанча?

74. Врач беморга 30 минут оралиғи билан 3 та укол белгилади. Бемор уларнинг ҳаммасини қанча вақт ичида олиб бўлади?

75. Зарар деганда нимани тушунасиз?

76. Мамеднинг 10 та қўйи бор эди. 9-дан бошқа кейинги ҳаммаси ўлиб қолди. Нечта қўй қолди?

77. Бўш жойга керакли рақамни қўйинг.



## 2. ЛАВОЗИМ КАСБ ФАОЛИЯТИГА БОҒЛИҚ ҚОНУНЧИЛИК СОҶАСИ БЎЙИЧА САВОЛЛАР РЎЙХАТИ

1. Васийлик ва ҳомийлик нима? Васийлик ва ҳомийлик органлари, уларнинг ваколатлари.
2. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси тушунчаси, шакли ва уни расмийлаштириш тартиби қандай?
3. Суғуртанинг алоҳида турларини мисоллар ёрдамида тушунтиринг.
4. Оммавий танлов шартларини ўзгартириш ва уни бекор қилиш тартиби қандай?
5. Асоссиз орттирилган бойлик қандай ҳолларда асл ҳолда қайтарилади?
6. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш, унинг оқибатлари ва фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги қарорнинг бекор қилиниши.
7. Юридик шахс тушунчаси ва турлари. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати.
8. Юридик шахсларнинг ташкил этилиши, таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилиши.
9. Юридик шахсларни қайта ташкил этишда ҳуқуқий ворислик қандай тартибда амалга оширилади?
10. Масбулияти чекланган жамият нима? Бу турдаги жамият энг ками ва кўпи билан неча шахс томонидан таъсис этилади?
11. Акциядорлик жамиятлари, уларнинг устав фонди.
12. Давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси сифатидаги роли. Давлат ва юридик шахслар жавобгарлигининг фарқи.
13. Фуқаролик ҳуқуқлари объектлари нималардан иборат? Мол-мулкнинг турлари.
14. Кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби.
15. Қимматли қоғозлар нима? Қимматли қоғозларга нималар киради?
16. Битим тушунчаси. Битимларнинг турлари. Шартнома билан битимнинг фарқи.
17. Битимларнинг шакллари.
18. Битимнинг нотариал шаклига ва уни рўйхатдан ўтказиш талабига риоя қилмасликнинг оқибатлари.

19. Эмансипация нима? Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан битим тузиш шартлари.
20. Вакиллик. Муомалага лаёқатли ва муомалага лаёқатсиз шахслар номидан вакиллик қилишни тушунтириб беринг.
21. Ишончнома тушунчаси ва унинг шакли. Қандай ишончномалар нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилади?
22. Ишончнома бўйича ваколатларни бошқа шахсга бериш (бошқа шахсга ўтказиш)
23. Юридик шахс томонидан бериладиган ишончноманинг тузилиши тартиби.
24. Фуқаролик кодексига асосан муддатлар белгилаш: вақт даври билан белгиланган муддатнинг бошланиши ва тугаши.
25. Мулк ҳуқуқи. Мулк ҳуқуқининг субъектлари ва объектлари.
26. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари. Эгасиз ашё.
27. Хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари ва объектлари.
28. Оммавий мулк қандай мулкларни қамраб олади?
29. Умумий мулк ҳуқуқи. Унинг вужудга келиш асослари.
30. Улушли мулкдаги улушлар қандай аниқланади? Улушли мулкларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи.
31. Виндикация нима? Мол-мулкни инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиш тартиби.
32. Мажбурият тушунчаси. Мажбуриятни бажариш муддати. Мажбуриятнинг бажарилиши қандай усуллар билан таъминланиши мумкин?
33. Гаров нима? Гаров нарса сифатида нималар муомалада бўлиши мумкин? Гаровнинг турлари.
34. Гаров шартномасининг мазмуни ва шакли. Гаров ҳуқуқи қачон вужудга келади? Гаров ҳуқуқи қайси ҳолларда бекор бўлади?
35. Навбатдаги гаров нима? Гаров нарса сани алмаштириш ва тиклаш мумкинми?
36. Кафиллик шартномаси нима? Кафиллик шартномасига асосан кафилнинг қандай жавобгарлиги бор?
37. Закалат нима ва закалат пули қайси ҳолатларда қайтариб берилиши керак?
38. Мажбуриятни бузганлик учун жавобгарлик асосларини тушунтириб беринг.
39. Шартнома тушунчаси. Шартнома тузиш эркинлиги нима?
40. Ҳақ эвазига ва текинга тузиладиган шартномаларга таъриф беринг.
41. Учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартномалар.
42. Бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк сотилганида улар жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқ.
43. Кўчмас мулкни сотиш шартномаси ва унинг шакли. Уй-жой биноларини сотишнинг хусусиятлари.
44. Корхонага мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши.
45. Айирбошлаш шартномасига таъриф беринг. Унинг ҳуқуқий белгилари.

46. Лизинг шартномаси, уни тузиш тартиби.
47. Ҳады шартномаси. Ҳадыни бекор қилиш мумкин бўлган ҳолатлар.
48. Ҳады шартномасининг шакли.
49. Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси, унинг шакли ва шартлари.
50. Мулк ижарасининг объектлари ва уларни тасарруф этиш.
51. Мулк ижараси шартномасини бекор қилиш ва мол-мулкни ижарага берувчига қайтариш тартиби
52. Транспорт воситасини ижарага бериш шартномаси ва унинг шакли.
53. Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси, унинг шакли ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби.
54. Уй-жойни ижарага бериш шартномаси, муддати ва бекор қилиш тартиби.
55. Уй-жойни текин фойдаланишга бериш шартномасининг шакли.
56. Қарз ва кредит шартномалари. Ушбу шартномаларнинг шакли.
57. Суғуртанинг асосий турлари, суғурта шартномасининг шакли ва суғурта сири.
58. Интеллектуал мулк объектлари ва уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш.
59. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш қандай усулларда амалга оширилади?
60. Янги таҳрирда қабул қилиниши кутилаётган Фуқаролик кодексида мулк ҳуқуқи борасида қандай ўзгаришлар мавжуд?
61. Фуқаролик қонун ҳужжатларини вақт бўйича амал қилиши.
62. Фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
63. Ашёвий ҳуқуқ нима? Унинг турлари.
64. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари?
65. Субсидиар жавобгарлик нима?
66. Национализация нима? Унинг реквизициядан фарқи нимада?
67. Муаллифлик ҳуқуқи объекти ва унинг турлари.
68. Фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда муомала лаёқати.
69. Мажбуриятлар мазмуни, объектлари ва субъектларига қараб қандай турларга бўлинади? Мисоллар билан очиб беринг.
70. Қарздорнинг ўзгаришини мажбурият муносабатларида аҳамияти қандай?
71. Мажбуриятни бажариш муддати, жойи ва усули.
72. Мажбурият бажарилганлигини исботловчи қандай ҳужжатлар бор ва уларнинг мажбурият бекор бўлишига алоқаси қандай?
73. Шартнома ва битим ўртасидаги нисбат қандай?
74. Шартномаларни ўзгартириш ва бекор қилиш асослари.
75. Сотиб олувчида мулк ҳуқуқининг вужудга келиш пайти ва сотиб олинган ашёнинг тасодифан нобуд бўлиши оқибатлари.
76. Олди-сотди шартномасининг алоҳида турларини сананг ва уларга мисоллар келтиринг.
77. Чакана олди-сотди шартномасининг тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.

78. Чакана олди-сотди шартномасининг турлари.
79. Чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик нима?
80. Давлат контракти (шартномаси) тузиш асослари ва тартиби қандай?
81. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қандай усуллари мавжуд?
82. Корхонани камчиликлар билан топшириш оқибатлари қандай?
83. Шартнома шартларини лозим даражада ва умуман бажармаганлиги учун тарафларнинг жавобгарлиги қандай?
84. Экипаж билан ва экипажсиз транспорт воситалари шартномаларининг ўзига хос хусусиятлари қандай?
85. Лизинг шартномасида тарафларнинг жавобгарлиги ҳақида нималарни биласиз?
86. Фуқароларнинг муомала лаёқатига тавсиф беринг ва ҳуқуқ лаёқатидан фарқли жиҳатларини очиб беринг?
87. Қандай шахслар тўлиқ муомалага лаёқатсиз деб топилади?
88. Текин фойдаланиш (ссуда) шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари нималардан иборат?
89. Пудрат муносабатларининг бошқа турдош муносабатлардан чегараланиши ва турлари қандай?
90. Пудрат шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
91. Пудратчининг таваккалчилиги ва ахборот бериш мажбурияти.
92. Ташиш турлари ва ташишни ташкил қилиш шартлари қандай?
93. Қарз шартномасининг тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
94. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси тушунчаси, шакли ва уни расмийлаштириш тартиби қандай?
95. Суғуртанинг алоҳида турларини мисоллар ёрдамида тушунтиринг.
96. Оммавий танлов шартларини ўзгартириш ва уни бекор қилиш тартиби қандай?
97. Асосиз орттирилган бойлик қандай ҳолларда асл ҳолда қайтарилади?
98. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари қандай?
99. Муаллифлик ҳуқуқи тушунчаси ва мазмуни ҳақида нималарни биласиз?
100. Ворислик ҳуқуқи тушунчаси ва асослари нималардан иборат. Қандай ҳолларда процессуал ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилиши мумкин?

### **3. УМУМИЙ ҚОНУНЧИЛИК СОҲАСИ БЎЙИЧА САВОЛЛАР РЎЙХАТИ**

1. Давлат хизматлари тушунчасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ифодаланишини таҳлил қилинг.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонунининг амал қилиш соҳаларини атрофлича тушунтиринг.
3. Давлат хизматидаги ислоҳотларнинг маъмурий ислоҳотлар тизимида тутган ўринини ёритиб беринг.
4. Ички ишлар органларида ходимнинг интизомий жавобгарликка тортилиши ва унинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилинг.

5. Судда вакил бўла олмайдиган шахслар гуруҳи ва сабабларини тушунтириб беринг.

6. Маълумки, маъмурий судларга оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар тааллуқлидир. Оммавий-ҳуқуқий муносабатлар деганда нимани тушунасиш? Фикрингизни амалий мисоллар билан асослаган ҳолда баён этинг.

7. Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил(Омбудсман)нинг ҳуқуқий мақоми ва фаолияти йўналишларини батафсил ёритиб беринг.

8. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги деганда нимани тушунасиш? Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг ҳуқуқий асосларини ёритиб беринг.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқариладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни атрофлича таҳлил қилиб беринг. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётда қўлланиш тартибига тўхталиб ўтинг.

10. Ўзбекистон Республикасида Бош вазирга ишончсизлик вотумини билдириш тартибининг мазмун-моҳиятини батафсил ёритиб беринг.

11. Ҳокимнинг вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини халқ депутатлари Кенгаши томонидан эшитиш тартибини тушунтириб беринг.

12. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини қонунчилик доирасида батафсил ёритиб беринг.

13. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими қандай ва уларнинг давлат органлари тизимида тугган ўрни ва аҳамиятини очиб беринг.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркиби кимлардан иборат? Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлаш ва лавозимидан озод қилиш тартибини ёритинг.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати сўровининг мазмуни ва аҳамиятини очиб беринг. Қонунчилик палатаси депутати сўровини амалга ошириш тартибини қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ёритиб беринг.

16. Қимматли қоғозлар тушунчаси ва турларини тушунтиринг.

17. Фермер хўжалигини тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида тушунтиринг.

18. Юридик шахсларни тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган турларига ажратишда қандай мезон асос қилиб олинган?

19. Банкротлик ишини қўзғатиш тўғрисидаги ариза билан судга кимлар муурожаат қилиш ҳуқуқига эга?

20. Судгача санация моҳияти ва тартибини тушунтиринг.

21. Устав фонди (устав капитали) нима?

22. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш соҳасида давлат



бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ва вазифаларини айтинг.

23. Ижтимоий шериклик ва унинг асосий шакллари.

24. Давлат-хусусий шериклик ва унинг объектлари.

25. Даъво муддати тушунчаси ва турлари. Даъво муддатининг ўта бошлаши қайси ҳолларда тўхтатилади?

26. Мулк ҳуқуқи тушунчаси. Мулк ҳуқуқи субъектлари ва объектлари ҳақида гапириб беринг.

27. Хусусий мулк ҳуқуқи. Оммавий мулк қандай мулкларни қамраб олади?

28. Мажбурият тушунчаси. Мажбуриятни бажариш муддати? Мажбуриятнинг бажарилиши қандай усуллар билан таъминланиши мумкин?

29. Интеллектуал мулк объектлари ва уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш.

30. Мерос таркибига нималар киради?

31. Вояга етмаган, муомала лаёқати чекланган ва муомала лаёқатсиз деб топилган фуқаролар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик.

32. Муаллифлик ҳуқуқи нима?

33. Турдош ҳуқуқлар ва уларнинг муҳофаза белгилари.

34. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг усулларини ёритиб беринг.

35. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларини ёритиб беринг.

36. Парламент назоратини амалга ошириш деганда нимани тушунасан?

37. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига умумий тавсиф беринг.

38. Давлат хизматлари нима ва ундан қачон, қай тартибда фойдаланиш мумкин?

39. [regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz) веб-сайтнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

40. “Mening fikrim” махсус веб-портали қандай мақсадда ташкил этилган ва у орқали қайси давлат ташкилотларига мурожаат қилиш мумкин?

41. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимида катта ўзгаришлар содир бўлди. Мазкур ислохотлар учун қандай тамойиллар асос қилиб олинди?

42. Ўзбекистон Республикасида демократик жамиятни барпо этишда сиёсий партияларнинг роли ва вазифалари қандай?

43. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига асосан коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари сифатида қайси органлар эътироф этилган.

44. Рақамли иқтисодиёт деганда нимани тушунасан?

45. Тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича масъул бўлган қандай идора ва ташкилотларни биласиз. Уларнинг асосий ваколатлари нималардан иборат.

46. Гендер тенглик деганда нима тушунасиш. Ушбу соҳани тартибга солувчи қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиш?

47. Давлат-хусусий шерикчилиги нима? Ушбу шартномадан кўпроқ қайси йўналишда кенг фойдаланилмоқда.

48. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар тушунчасига атрофлича тўхталинг. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг қандай кўринишлари мавжуд?

49. Яшаш ҳуқуқи инсоннинг табиий ҳуқуқи эканлиги ҳақидаги мулоҳазаларга ўз муносабатингизни билдилинг.

50. Шахсий ҳаёт дахлсизлиги деганда нимани тушунасиш? Шахсий ҳаёт дахлсизлигини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилигидаги ифодаси ҳақида тўхталиб ўтинг.

51. Инсон шаъни ва кадр-қиммати деганда нимани тушунасиш? Инсон шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиниши ҳақида фикр-мулоҳазаларингизни билдилинг.

52. Виждон ва эътиқод эркинлиги деганда нимани тушунасиш? Ўзбекистонда виждон ва эътиқод эркинлигини конституциявий кафолатларини таҳлил қилинг.

53. Сўз ва фикр эркинлиги деганда нимани тушунасиш? Сўз ва фикр эркинлигининг кафолатланиши ҳусусида фикр-мулоҳазаларингизни билдилинг.

54. Мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва кафолатлаш борасида олиб борилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг мазмун ва моҳияти ҳақида гапириб беринг.

55. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар тушунчасини ёритиб беринг. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг қандай кўринишлари мавжуд?

56. Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи деганда нимани тушунасиш?

57. Ижтимоий фаоллик ва ижтимоий шериклик деганда нимани тушунасиш? Ижтимоий фаоллик ва ижтимоий шерикликнинг қандай шаклларини биласиз?

58. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар тушунчасини ёритиб беринг. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларнинг қандай кўринишлари мавжуд?

59. Конституциявий тузум тушунчасини ёритиб беринг. Конституциявий тузумнинг таркибий қисмларини санаб беринг.

60. Иқтисодий тизим деганда нимани тушунасиш? Ўзбекистонда иқтисодий тизимнинг конституциявий асосларини таҳлил қилинг.

61. Умуммиллий бойликлардан фойдаланиш ҳусусида ўз фикр-мулоҳазаларингизни беринг. Умуммиллий бойликларнинг давлат муҳофазаси қандай йўллар билан амалга оширилади?

62. Сиёсий институтлар деганда нимани тушунасиш? Сиёсий институтларнинг қандай шакллари мавжуд?

63. Сиёсий тизим деганда нимани тушунасиш? Давлат сиёсий тизимнинг асосий таркибий қисми сифатидаги қарашларга ўз муносабатингизни билдилинг.

64. Ўзбекистон Республикасида демократик институтлар тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамиятини ёритиб беринг. Оммавий ахборот воситаларини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларга тавсиф беринг.

65. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати қандай қоида ва нормаларга асосланган? Сўнгги йилларда Ўзбекистон томонидан аниқ ва конструктив ташқи сиёсатига оид мисоллар ёрдамида ёритинг.

66. Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ҳақида батафсил маълумот беринг. Сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар билан фикрингизни асосанг.

67. Сайловларда очиқлик ва шаффофликни таъминлашнинг мазмун-моҳиятини ёритинг. Ушбу масалани сайлов комиссиялари, ОАВ, халқаро ва маҳаллий кузатувчилар фаолиятдан мисоллар ёрдамида таҳлил қилинг.

68. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосининг сўровининг мазмуни ва аҳамиятини очиқ беринг. Сенат аъзосининг сўровини амалга ошириш тартибини қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ёритиб беринг.

69. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақомини батафсил ёритиб беринг. Фикрингизни амалий мисоллар ёрдамида асосланг.

70. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш тартиби хусусида батафсил маълумот беринг. Фикрингизни амалий мисоллар ёрдамида асосланг. Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув шакли қандай? Хорижий мамлакатлардаги давлат бошқарув шакллари билан фарқланади?

71. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги нималарда намоён бўлади? Масъулият ва жавобгарлик масалаларига ҳуқуқий тавсиф беринг.

72. Ўзбек тилининг давлат тили мақоми даражасида кўтарилиши сабабларини кўрсатинг? Жамият ва давлат муносабатларида давлат тилининг аҳамиятига тўхталиб ўтинг.

73. Давлат ҳокимиятининг ваколатли органлар томонидан амалга оширилиши усуллари қандай? Бу усуллар амалиётда қандай ўз ифодасини топган?

74. Демократиянинг умуминсоний принципларга асосланиши деганда нимани тушунасанг? Ҳуқуқий манбаларда ушбу принцип ўзининг қандай ифодасини топган?

75. Давлат ўз фаолиятида амал қиладиган принципларга тўхталиб ўтинг. Ушбу принципларга ҳуқуқий жиҳатдан тавсиф беринг.

76. Фуқароликка эга бўлиш ва йўқотиш асосларини кўрсатиб беринг. Бу асослар амалиётда қандай ўз ифодасини топган?

77. Ўзбекистон фуқароларини чет элларда ҳуқуқий ҳимоя қилиш тартиби қандай? Хорижий давлатларда ушбу масала бўйича қандай асослар мавжуд?

78. Хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва давлат томонидан ҳимоя қилиниши деганда нимани тушунасанг? Амалиётда ушбу масалалар қандай ўзининг ечимига эга бўлиши керак?

79. Мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф қилиш, мулкдан маҳрум қилиш деганда нимани тушунасанг? Ушбу тушунчаларга ҳуқуқий жиҳатдан тавсиф беринг.

80. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий кафолатларини ёритинг? Давлатнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоячиси сифатидаги ўрнига батафсил тўхталинг.

81. Суд орқали ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш деганда нимани тушунасиз? Ҳуқуқ ва эркинликларни яна қандай йўллар билан ҳимоя қилиш мумкин?

82. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ўзаро муносабатларини Конституция ва қонунчилик асосида атрофлича таҳлил қилинг. Ушбу муносабатларни амалий нуқтаи назардан ёритиб беринг.

83. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг конституциявий-ҳуқуқий мақомини Конституция ва қонунчилик асосида ёритиб беринг.

84. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг конституциявий-ҳуқуқий мақомини Конституция ва қонунчилик асосида ёритиб беринг.

85. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати – ҳудудий вакиллик палатаси сифатидаги ўрнини кўрсатинг.

86. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатларини гуруҳларга ажратган ҳолда тавсиф беринг.

87. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатлари ҳақида атрофлича тўхталиб ўтинг. Бу муносабатларни амалий жиҳатдан тавсифланг?

88. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятидаги профессионализм принципига назарий-ҳуқуқий тавсиф беринг.

89. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ваколатларини санаб ўтинг. Ушбу ваколатлар мазмун-моҳиятига тўхталинг.

90. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий тамойиллари ҳақида тўхталиб ўтинг. Фикрингизни асослаб беринг.

91. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этиш тартиби ва унинг таркибий тузилмалари ҳақида атрофлича тўхталиб ўтинг.

92. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг ҳуқуқий мақомини қонунчилик доирасида батафсил ёритиб беринг. Уларнинг фаолият йўналишларини кўрсатиб беринг.

93. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси фаолиятининг асосий шакллари ва кафолатларига ҳуқуқий тавсиф беринг.

94. Депутат ва Сенат аъзосини чақириб олиш тартибини ҳуқуқий тавсифлаб беринг. Чақириб олиш асосларини санаб ўтинг.

95. Қонунчилик жараёни ва унинг босқичларини қонунчилик доирасида батафсил ёритиб беринг. Қонунчилик ташаббуси субъектларини айтиб беринг.

96. Парламент фаолиятида келишув комиссияси фаолиятини ташкил этиш тартиби қайси қонунларда ўз ифодасини топган? Ушбу комиссияни тузишдан кўзланган асосий мақсад нимадан иборат?

97. Қонунни имзолаш ва унинг кучга кириши тартибини қонунчилик доирасида батафсил ёритиб беринг. Ушбу жараёни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларга тўхталиб ўтинг.

98. Ҳуқуматни парламент олдида ҳисоб бериши масаласига ҳуқуқий тавсиф беринг.

99. Ҳоким – маҳаллий ижроия ва вакиллик органларининг раҳбари сифатида қандай ваколатларга эга? Фикрингизни ҳуқуқий асосланг?

100. Судлов ҳокимиятини амалга оширишнинг конституциявий-ҳуқуқий тамойилларини ёритиб беринг.

#### **4. АМАЛИЁТДА КЎП УЧРАЙДИГАН МУАММОЛИ ҲОЛАТЛАР (КАЗУСЛАР)**

1. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Зоиров Россияда яшайдиган ўғли Маликниқига даъволанишга бориб, у ерда бир йил яшаганидан сўнг вафот этди. Зоировнинг ўғли меросни қабул қилиб олиш учун Самарқанд шаҳрига келди. Мерос таркибига ер участкаси ҳам кирар эди. Ер кодекси қоидаларига таянган ҳолда унга ер участкасига нисбатан меросни расмийлаштиришни рад этишди. Маликнинг фикрича, бу вазиятда Фуқаролик кодекси нормаларига асосланиш лозим, чунки ер кўчмас мол-мулк объекти ҳисобланади (ФКнинг 83-моддаси). Бундан ташқари, Маликнинг айтишича, мерос бўйича муносабатлар мерос қолдирувчининг охириги яшаш жойи қонунчилиги бўйича, яъни Россия Федерацияси қонунчилиги бўйича белгиланиши лозим.

Маликнинг фикрлари қонунийлигига баҳо беринг.

2. Фуқаро С.Умаров Чехия Республикаси Прага университетининг иқтисодиёт факультетини битириб, Ўзбекистон Республикасига қайтди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясига мурожаат қилиб, таълим олганлиги тўғрисида хужжатни тан олиш, нострификация (эквивалентлигини рўйхатга олиш) қилиш ва тегишли хужжатни беришни сўради. Бунга жавобан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси бу соҳада масалаларни кўриб чиқиш ваколатига эга эмаслигини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест Марказига мурожаат қилиш кераклигини тушунтирди. Давлат Тест Маркази унинг аризасида диплом ва иловаси нотариал таржима қилинмаганлиги сабабли унинг хужжатларини қабул қилишни рад этди. Фуқаро С.Умаров бунга эътироз билдириб, бирор бир хужжат етишмаса, у аризачига қайтариб берилиши керак эмас деб тушунтирди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

3. Фуқаро Ахатов ва Солиевалар никоҳ ёшига тўлмасдан туриб никоҳ қуришадилар. Улар уч ой яшамасдан ўзаро келишмовчиликлар туфайли ажрашиб кетадилар. Ахатов яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан

шуғулланиш учун рухсатнома олгани Тадбиркорларни рўйхатга олиш давлат идорасига мурожаат қилганида, унга тўла муомала лаёқатига эга бўлмасдан туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мумкин эмаслигини айтади.

Давлат идорасининг ҳаракатлари тўғрими?

Эмансипация деганда нимани тушунасиз?

4. Фуқаро Саидов Олий таълим муассасига (кейинги ўринларда ОТМ) абитуриент сифатида тегишли ҳужжатларни топширди. Кириш имтиҳонларидан ўта олмаган абитуриент кейинчалик ҳужжатларни қайтариб олиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали ([my.gov.uz](http://my.gov.uz)) орқали ҳужжатларини қайтариб беришни сўраб, ОТМга мурожаат қилди. Аммо орадан 2 ой ўтсада ҳужжат топширган ОТМдан мурожаат бўйича жавоб берилмади.

Шундан сўнг, фуқаро ОТМга оғзаки мурожаат қилди. ОТМ масъул ходими Тошев ҳеч қандай электрон мурожаат олмаганлигини, агар шундай мурожаат қилинганда ҳам ҳужжатни шахсан ўзи келиб паспортини кўрсатган ҳолда олиши лозимлигини айтди. Агар фуқаро шахсан келмаса ҳужжатлар берилмаслигини маълум қилди.

Бундан норози бўлган фуқаро Саидов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига шикоят қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

5. Авазовнинг ўн уч ёшли ўғли Зоҳиджоннинг туғилган куни муносабати билан амакилари тилла соат ва уч миллион сўмли фотоаппарат совға қилишадилар. Мазкур совғани Зоҳиджон акасининг дўсти Абдуллага икки миллион сўмга сотиб юборади. Бундан хабар топган Авазов фотоаппаратни қайтариб беришни талаб қилади.

Авазовнинг талаби ўринлими? Ўн тўрт ёшга тўлмаган кичик ёшдаги болалар қандай битимларни туза оладилар?

6. В.Азимов Миробод тумани солиқ инспекциясидан 2016 йил май ойида ижро инизомини бузганлиги учун ишдан бўшатилади. 2017 йил август ойида у Чилонзор туман солиқ инспекциясига ишга кирди. Лекин уни аввал солиқ хизмати органидан ишдан кетганлиги сабабли уни солиқ инспекциясига ишга олмасликларини айтишди. В.Азимов у солиқ инспекцияси бошлиғини ноқонуний кўрсатмасини бажармаганлиги учун, яъни ноқонуний равишда ишдан бўшаганлигини айтиб, аввал ишдан кетганлигини ваз қилиб, ишга олишни рад этиш меҳнат қонунчилига зид эканлигин айтиб, эътироз билдирди. Чилонзор тумани бошлиғи шунга қарамай уни ишга олишни рад этди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

7. Фуқаро Зарипов фуқаро Остоновга ишончнома беради. Ишончнома берган Зарипов маълум вақт ўтгандан сўнг суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилади. Фуқаро Зариповнинг ҳуқуқий вориси фуқаро

Остоновга берилган ишончномадан тўла қониқаётганлигини ва бу ишончномани бекор қилмаслигини билдиради.

Ушбу ҳаракат қонунийми? Муомалага лаёқатсиз билан муомала лаёқатини чеклашнинг фарқи нимада?

Собиров ўзининг степиндиясига иккита “Спорт-лотто” лотареяси олади, унинг лотария белетига 2019 йилги ўйинда ўн миллион сўм пул мукофоти чиқади. Собиров мазкур ютуқни олгани борганида унга “Спорт-лотто” лотарея ўйини раҳбари вояга етмаганлигини айтиб, ота-онаси билан бирга келсагина мазкур ютуқни беришини айтади.

“Спорт-лотто” лотарея ўйини раҳбарининг ҳаракати тўғрими? Кимлар фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари бўлади? Ҳуқуқ ҳамда муомала лаёқати нима?

8. Ўртачирчиқ тумани Баҳор кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро А.Шарипов пенсия тайинлашни сўраб, бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг туман бўлимига мурожаат қилди. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси(БТПЖ)нинг туман бўлими А.Шариповни 1981-1991 йилларда вилоят маиший бошқармасида ишлаганлиги ҳақидаги маълумот унинг меҳнат дафтарчасида қайд этилган бўлсада, ушбу даврлар учун маълумот тақдим этилмаганлиги сабабли ушбу даврдаги меҳнат фаолияти иш стажига қўшилмаслиги ҳақида 2018 йил 5 июндаги БТ 105-1134-3478 – сонли жавоб хати йўллади. А.Шарипов Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлимининг ҳатти-ҳаракатларини ноқонуний деб топиш ҳамда БТПЖ туман бўлимига мазкур даврдаги фаолиятини иш стажига қўшиб пенсия тайинлаш мажбуриятини юклашни сўраб маъмурий судга мурожаат қилди. Бироқ, суд А.Шариповнинг аризаси кўриб чиқишни рад этди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

9. Нумоновнинг отаси 2013 йилда 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинади. Нумоновга васий қилиб тайинланган Рашидов Нумоновни ўзининг уйига олиб кетиб, отасининг уйини сотиш учун ким ошди савдосига қўяди. Кейинчалик мазкур уйнинг пулидан ўзига иккита хусусий магазин қуриб олади. 2019 йилда Нумоновнинг отаси жазодан озод қилинади ва ўғлининг васийдан уйини талаб қилганида Рашидов пулни ишлатиб юборганлигини маълум қилади?

Нумоновнинг гаплари асослими?

Кимлар васий бўла олмайдилар?

Васийлик кимларга нисбатан белгиланади?

10. Тошкент шаҳар Олмазор туманида яшовчи фуқаро Р. 2020 йил 5 август куни Мирзо Улуғбек туманида давлат рўйхатидан ўтган “NEW YEAR” МЧЖ раҳбари Б.нинг ишдан бўшатиш тарзидаги ҳаракатларидан норози бўлиб, маъмурий судга мурожаат қилди ва Б.нинг Р.ни ишдан бўшатиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишни ҳамда ишга тиклашни сўраган.

Маъмурий суд 2020 йил 16 август куни аризани қабул қилишни рад этган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

11. Саримсоқов Фозилов чизган суръатни ўзининг қариндошига совға қилиш учун сотиб олди. Бир ҳафта ўтгач эса Саримсоқов Фозиловни олдига келиб олди-сотди шартномасини бекор қилишни, чунки қариндоши уни меҳмонга чақирмаганлигини айтди. Фозилов эса пулни қайтаришни рад этди ва Саримсоқов томонидан суръатни сотиб олиш мақсади юридик аҳамиятга эга эмаслигини билдирди. Саримсоқов юридик маслаҳатхонага тушунтириш олиш мақсадида мурожаат қилди.

Унга маслаҳат беринг.

12. Б.Носиров қондасиз жанг спорт турини спорт федерацияси сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун Адлия вазирлигига мурожаат қилди. Вазирлик “фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситишни ҳамда фуқароларнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилишни мақсад қилиб қўйган бўлса” деган конституциявий нормага асосланиб жамоат бирлашмасини давлат рўйхатидан ўтказишни рад қилди. Б.Носиров бунга эътироз билдириб, спорт соҳасидаги айрим нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатларида инсонга оғир тан жароҳат етказиши мумкин бўлган яккакураш, ММА спорт турини кенг тарғиб қилиш ва уни ривожлантириш назарда тутилганлигини айтди. Адлия вазирлиги фуқарога қўшимча тушунтириш беришни рад этди. Б.Носиров бундан норози бўлиб, судга мурожаат қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

13. Шокированинг ўғли касал бўлиб қолди. Даволаниш учун дори сотиб олишга пули бўлмаганлиги боис Шокирова ўзининг дугонаси Ғозиевадан қарз сўради. Ғозиева қарзга пул беришни рад этди, бироқ Шокировага тегишли сервизни ўзига сотишни таклиф этди. Бу таклифни у анча вақтдан буён Шокировага билдириб келар, бироқ уни бунга қўндира олмай келаётган эди. Шу билан бирга Ғозиева сервиз учун Шокирова тўлаганидан икки баравар кам баҳонида сотиб олишини билдирди. Ғозиева сервиз ярим йил олдин сотиб олинганлигини, шу сабабли ундан фойдаланилиши оқибати баҳосини пасайганлигини билдирди. Шокирова бунга рози бўлди. Бироқ Шокированинг ўғли тузалгач, у юридик маслаҳатхонага битимни ҳақиқий эмас деб топиш масаласида маслаҳат учун мурожаат қилди. Унга маслаҳат беринг.

14. Депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб, фуқаро З.Саидов сайловолди ташвиқоти – сайлов кампанияси даврида сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият олиб бора бошлади. У ўз тарғиботида А. партияни давлат партияси сифатида эълон қилди. Ўзининг фикрига асос сифатида амалдаги Президент ва ҳукумат мазкур партия вакиллари эканлигини келтирди. Бу борада у номзод А.Мансуровнинг сиёсий рақиби бўлган Ж.Комиловнинг Б.



сиёсий партиясини “мухолифатчи партия” деб атади. Ж.Комилов бундан хабар топгач А. партияни судга берди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

15. 2020 йил 2 май куни Туркменистон Республикаси фуқароси З.Раҳимов Хоразм вилояти Хонқа тумани ИИБ бошлиғи Г.Раметовга Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинишни сўраб мурожаат қилди. Мурожаатда Ўзбекистон Республикасида туғилгани, ҳозирда фарзандлари Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб, шу ерда яшашини келтириб ўтди. Шунга асосан, унга тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини берилишини талаб этди. Бироқ, унинг талаби қондирилмади.

Бундан норози бўлган З.Раҳимов шикоят билан судга мурожаат қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

16. Олимов 2013 йил 5 майда Термиз шаҳрига ишлаш учун кета туриб узоқ қариндоши Туроповни уйига ва уй жиҳозларига қараб туришлик учун жойлаштириб кетади. У 5 йилдан кейин, яъни 2018 йил 5 майда қайтиб келиб, ўз уйида мебель, пианино ва бошқа жиҳозлари йўқ эканлигини кўриб, Туроповдан сўраганида, у даъво муддати ўтиб кетди деб буюмларни топиб бермаган. Олимов судга мурожаат қилиб, уй ва рўзғор буюмларини Туроповдан олиб беришни сўрайди.

Масала қандай ҳал қилинади?

17. 2019 йил 18 октябрь куни И.Маҳкамов ўзига тегишли бўлган ер участкасини фуқаро Ш.Каримовга 35 минг АҚШ долларга сотиб юборди. Ушбу ер участкасининг ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнида давлат ҳокимияти идоралари ушбу олди-сотди шартномасини амалга оширишга тўсқинлик қилди. Яъни, ер умуммиллий бойлик сифатида унинг эркин олди-сотди қилиниши мумкин эмаслиги айтилди.

И.Маҳкамов эса ушбу ер участкаси унинг мулк экани, унга нисбатан мулк ҳуқуқи мавжуд бўлиб, уни тасарруф этиш ҳуқуқи ҳам мулк ҳуқуқининг элементи сифатида унга тегишли эканлигини келтириб судга мурожаат қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

18. Олимбой кечки пайт ишдан қайтаётиб йўлда ётган узук кўриб қолди. Узукни олиб ўйига келиб қараса, у тилладан ясалган экан. Эртаси куни Олимбой узукни таниш заргарга кўрсатиб нархини суриштирганда, заргар узукни жудда қиммат туришини айтди. Хурсанд бўлиб кетган Олимбой бу ҳақда ишхонасидаги дўсти Назирга айтганида, Назир унга узукни топилмалар идорасига олиб бориш кераклигини, йўқса қонунда белгиланган жавобгарлика торитилишини айтди.

Олимбой маслаҳат сўраб адвокатга мурожаат қилди. Унга маслаҳат беринг.

19. МЧЖ (масъулияти чекланган жамият) “Шарқ” кишлоқ хўжалиги фирмаси билан помидор етказиб бериш тўғрисида шартнома тузди. Тузилган шартномага мувофиқ МЧЖ етказиб берилган помидорнинг баҳосини тўлиқ тўлади. Бироқ келишилган муддатда помидор етказиб берилмади. Шу муносабат билан МЧЖ олдин тўланган пулни қайтариш, ўзга пул маблағидан фойдаланганлик учун фоиз ва зарарни қоплаш, МЧЖ ўз контрагентига консерва етказиб бермаганлик учун неустойка бўлагини қоплаш тўғрисида даъво кўзғатди.

МЧЖнинг “Шарқ” фирмасига бўлган талабини қондириш мумкинми?

Агар помидор сув тошқини туфайли нобуд бўлган бўлса, қарор ўзгарадими?

20. Мардиева Ирисовга нисбатан 50 миллион сўм пулни ундириш тўғрисида судга даъво аризаси топширди. Даъво аризасида у жавобгар билан никоҳдан ажрашганидан кейин ундан 50 миллион сўм олганлигини ва бу ҳақда тилхат берганлигини, бироқ пулни қайтармаганлигини билдирди. Ўз навбатида жавобгар берилган тилхат бўйича пул олмаганлигини, балки тилхатни Мардиева уни квартирадан чиқариб юбориш учун судга мурожаат қилмайман, дегани учун берганлигини айтди ва буни гувоҳлар ҳам тасдиқлаши билдирди.

Низони ҳал қилинг.

21. 2015 йил 26 декабр куни Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро Д. Раҳимов туман электр тармоқлари корхонасига электр ҳақини тўлаш учун борди. Касса ходимасига мурожаат қилиб, ўзининг қарздорлиги бўйича маълумот сўраб мурожаат қилганида ходима фуқарога рус тилида мурожаат қилди. Д.Раҳимов рус тилини билмаганлиги боис, у билан мулоқот қилолмади. Касса ходимасига ўзбек тилида сўзлаша олишини айтганда, у фақат рус тилида сўзлаша олишини айтиб, рус тилини билмаган Д. Раҳимов устидан кулди.

Д. Раҳимов ушбу ҳолат юзасидан маъмуриятга арз қилмоқчи бўлганда, маъмуриятдагилар “бизда қоида шунақа” деган маънода унинг мурожаатини қаноатлантиришсиз қолдиришди. Бундан норози бўлган фуқаро Д. Раҳимов прокуратурага шикоят қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

22. Илёсов ва акциядорлик жамияти ўртасида шартнома тузилган бўлиб, унга кўра Илёсовга 12 ойга 60 миллион сўм пул қарзга берилди. Пул маблағларидан фойдаланганлиги учун тўланиши лозим бўлган фоизлар миқдорида қарз олувчи ва жамият ўртасида келишилмади. Шартнома муддати тамом бўлишида қарздор қарзни жамиятга қайтарди, бироқ жамият пул маблағларидан фойдаланганлик учун Ўзбекистон Республикаси Миллий банкнинг қайта молиялаш ставкаси асосида фоиз тўлашни талаб қилди. Илёсов фоиз тўлашдан бош тортди ва шартномада фоиз тўлаш назарда тутилмаганлигини билдирди. Жамият судга мурожаат қилди.

Ишни ҳал қилинг.

23. Тошкентдаги “Электроаппарат” заводи Сурхондарё вилоятидаги қурилиш трестига юк кранларининг электромоторларини жўнатди. Юк белгиланган манзилга 5 кун кечикиб келди. Электромоторларни ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун завод қурилиш трестига шартномани муддатида ижро этилмаганлиги учун неустойка тўлади. Шу муносабат билан завод Ўзбекистон Темир йўллари АЖга юкни ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун жаримани ва темир йўлчилар томонидан етказилган зарарни, яъни у сотиб олувчига тўлаган неустойка миқдорини тўлашни талаб қилди.

Заводнинг талабини кондириш керакми?

24. Завод директори билан қурилиш трестининг ишчилари Саманов ва Анорбоев ўзларининг меҳнат таътиллари вақтида заводга тегишли бинони таъмирлаш ишларини бажариш тўғрисида шартнома туздилар. Таъмирлаш ишлари вақтида Анорбоев оғир тан жароҳати олди (Саманов томонидан олиб келинган ва ўрнатилган циркуляр арра Анорбоев қўлидаги бармоқларини кесиб кетди) ва у меҳнат қилиш қобилиятини йўқотди.

Ушбу вазиятда юзага келган муносабатлар қайси ҳуқуқ соҳаси томонидан тартибга солинади?

25. Фуқаро Шарипов фуқаро Парпиевдан уй сотиб олди. Кейинги йил баҳорда сув тошқини уй атрофидаги тўсиндан ўтиб, уйнинг устунларига зарар етказди. Натижада уй шикастланди ва сув теккан қисми бир оз чўқди. Шарипов Парпиевдан уйнинг олди-сотди шартномасини бекор қилиб, уй учун тўланган пулни қайтаришни ёки уйнинг атрофидаги ўтказиладиган таъмирлаш ишларига кетадиган харажатларни қоплашни талаб қилди.

Парпиев судда, бу ҳолатда уйнинг ўзидаги камчиликлар хусусида келишмовчиликлар вужудга келмаганлигини таъкидлаб, сотилган уй жойлашган ҳудудда ҳар баҳорда сув тошқини бўлишини ва уйнинг тўсин ва ертўлаларини сув босишини ҳамма билишини айтган.

Низо қандай ҳал қилинади?

26. Фермер хўжалиги ўзининг етиштирган маҳсулотларини жойлаштириш учун маҳаллий кинотеатрдан унинг подвал қисмини ижарага олди. 1 ойдан сўнг иситиш мавсуми бошланиб канализация қувурларнинг носозлиги туфайли ертўлани сув босди ва фермер хўжалиги 70 миллион сўм миқдорда моддий зарар кўрди. Фермер хўжалиги кинотеатр маъмуриятидан зарарни қоплашни талаб қилди. Кинотеатр бу талабни бажаришдан бош тортди. Уларнинг айтишича, ертўла фермер хўжалиги эгалигида ва фойдаланишида бўлган ҳамда кинотеатр канализация қувурларининг носозлигини билиши мумкин эмас эди.

Масалани ҳал қилинг.

27. Фермер Тўлабоев ўзининг набираси Ботирга институтни битирганидан кейин ўзига тегишли фермер хўжалигининг LADA автомашинасини сотиб олиб беришини ваъда қилди ва бу ҳақдаги мажбурияти ёзма қайд этди. Орадан бир йил ўтиб Тўлабоев вафот этди. Институтни битиргач Ботир Тўлабоевнинг васиятномада кўрсатилган ягона меросхўри – амакиси Қосим Тўлабоевдан LADAnи ўзига ўтказиб берилишини ёки унинг қийматини пул кўринишида берилишини талаб қилди. Рад жавобини олган Ботир судга мурожаат қилди.

Ишни ҳал қилинг.

28. Лазизов қариндоши Самадовга қимматбаҳо “Швейцария соати”ни совға қилди. Кейинчалик қариндошлар ўртасидаги муносабатлар кескин ёмонлашди ва навбатдаги жанжалдан кейин Самадов Лазизовни ҳақорат қилди ва унинг ҳайдовчисига тан жароҳати етказди ҳамда бунинг учун озодликдан маҳрум этилди. Самадов жазони ўтаётган пайтда Лазизов соатни олиб кетди. Самадовнинг хотини судга соатни қайтариш тўғрисида даъво қўзғатди.

Ишни ҳал қилинг.

29. Н.Халимова энг охириги нусхадаги кучайтирилган компьютер териб беришни бунинг учун 7 000 000 минг сўм баҳодаги ҳақ тўлашини сўраб устага мурожаат этади. Уста у айтган муддатда ва келишилган баҳога мос компьютерни териб унга элтиб беради. Лекин Халимова ушбу компьютерда принтер ва скайнернинг йўқлиги улар компьютернинг таркибий қисми эканлиги шу туфайли улар албатта компьютернинг баҳоси ичига киритилганлигини айтади.

Масала қандай ҳал қилинади?

30. Фуқаро С. ўзининг тижорат ишларини олиб бориш учун вакил сифатида фуқаро Л. билан топшириқ шартномасини тузган. С. чет эл мамлакатларидан бирида саёҳат қилаётган даврида Л. унинг кўрсатмаларидан четга чиқиб юридик ҳаракатлар қилган ва бу ҳақда топшириқ берувчига хабар бера олмаган. С. саёҳатдан келгандан сўнг вакилнинг ҳаракатлари белгиланган ваколатлардан четга чиқиш ва огоҳлантирилмаганлиги сабабли тузилган тижорат битимларни бекор қилиш ҳақида судга мурожаат қилган.

Вазиятни муҳокама қилинг.

31. Чустлик усталар ўзлари тайёрлаётган пичоқларга “Чуст пичоғи” ёзувини киритиш ва шу орқали уни қаерда тайёрланаётганлигини белгилаб кўйишмоқчи бўлишди. Шу билан бирга айнан шу ёзувни киритиш орқали харидорларни жалб этиш ва маҳсулотнинг сифатлилига ишора қилишни мақсад қилишди. Бироқ усталар ўзлари ясаётган пичоқларга айнан шундай ёзув киритишга ҳақлари бор ёки йўқлигига иккиланиб қолишди ва маслаҳат сўраб адвокатурага мурожаат қилишди.

Усталарга масалаҳат беринг?

32. “Икки қишдан сўнг” қиссасининг муаллифи Азиз Лазиз ўз асарини “Абадият гулшани” журналида нашр эттирди. Орадан бир оз вақт ўтганидан кейин у вилоят театрида Али Соли номли муаллифнинг айнан шу номдаги пьесаси муваффақиятли намоёиш этилаётганидан хабар топди. Пьесанинг мазмуни билан танишиб Азиз Лазиз пьеса унинг қиссаси асосида ёзилганлигига амин бўлди. У Али Соли ва вилоят театрига мурожаат қилиб ўз ҳуқуқларининг тикланиши ва қиссадан фойдаланилганлик учун унга ҳақ тўланишини таклиф қилди.

Азиз Лазизнинг таклифига қуйидаги эътирозлар билдирилди: биринчидан, нашр қилинган асардан янги асар яратиш учун асар муаллифининг розилиги талаб этилмайди; иккинчидан, Азиз Лазиз билан шартнома тузилмаганлиги сабабли унинг асари қайта ишланганлиги сабабли унга ҳақ тўланмайди.

Ишни ҳал қилинг.

33. Дайди итнинг қоғоши (тишлаши) оқибати Эркинов поликлиникага мурожаат қилди ва унга қутиришга қарши вакцина қилишди. Вакцина қилинганидан кейин, унда оёқ-қўл фалажи юз берди ва Эркинов I гуруҳ ногиронига айланди. Эркинов поликлиникага нисбатан етказилган зарарни қоплаш тўғрисида даъво аризаси кўзғатди. Тиббий экспертизанинг аниқлашича, инъекцияни юборган тиббиёт ҳамшираси вакцинани қўллаш бўйича қоидаларни қўпол равишда бузган. Айтилганда Эркиновда жиддий неврологик касаллик мавжуд бўлиб, вакцина юборилиши оқибатида фалажни келтириб чиқарган.

Бу вазиятда поликлиника жавоб бериши лозимми?

34. Фуқаро Алиев ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли буғдой ўрадиган комбайнни фуқаро Бозоровга ишончли бошқаришга берди. Орадан бир ҳафта ўтганидан кейин Алиев комбайн буғдой ўриш жараёнида шикастланганлигини билди. Шартномада комбайнни эксплуатация қилиш қоидаларини бузганлик учун ишончли бошқарувчи тўланиши лозим бўлган ҳақни 3 баравари миқдорида жавобгар бўлиши белгиланган бўлиб, унинг қиймати бир ой учун 200 USDни ташкил этарди. Шу сабабли Бозоров 600 USD тўлашга тайёрлигини билдирди. Комбайнни таъмирлаш қиймати 1200 USDни ташкил этди ва Алиев мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини бир томонлама бекор қилиш ва комбайнни таъмирлаш харажатларини қоплашни талаб қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

35. Воситачилик дўконида телевизор шикастланди. Воситачи телевизор шикастланганлигини бир неча кун ўтгач билди. Шунинг учун магазин телевизорни комитент билан келишган нарҳда эмас, балки икки баравар арзон нарҳда сотишга мажбур бўлди. Комитент телевизорнинг шартномада белгиланган нархини тўлиқ беришни, шунингдек воситачилик ҳаққини тўламаслигини, чунки воситачи ўз мажбуриятларини нотўғри бажарганлигини

айтди. Воситачи ўзининг воситачилик ҳақини чегириб қолиб, комитентга телевизорнинг тўлиқ қийматини тўлади. Комитент судга мурожаат қилди.

Вазиятни муҳокама қилинг.

36. Бек МЧЖ ва Хон савдо фирмасига эркаклар костюмлар туркумини дастлабки воситачилик нархи 400.000 сўмдан сотиш тўғрисида топширик берди.

Хон савдо фирмаси бир костюмни 600.000 сўмдан сотди ва сотиш баҳоси билан шартнома баҳоси ўртасидаги фарқни воситачилик ҳақи сифатида ушлаб қолди. МЧЖ эса бу ҳолдан норози бўлиб, воситачилик ҳақи шартномага биноан сотилган костюмлар туркумининг 5 % миқдорда ундирилишини, орадаги фарқни эса воситачи комитентга қайтариши лозимлигини таъкидлади.

Савдо фирмаси эса ушбу талабни рад этиб, “5 % воситачилик ҳақи агар шартномада костюм юқори нархда сотилмаганда ундирилишини кўзда тутади”, деб жавоб қайтарди. Мазкур низоли вазиятда ким ҳақ?

37. “Коммунал сервис” номли хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати жорий йилнинг 1 январидан бошлаб турар жой эгаларининг мажбурий бадал миқдорларини оширганлигини эълон қилди. Бунга асос сифатида ширкат бошқарувининг мажбурий бадалларни ошириш тўғрисидаги қарорини турар жой мулкдорларига тақдим қилди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

38. “И” исмли фуқаро бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан 2019 йил 1 март куни корхона раҳбарига ариза билан мурожаат қилиб, у билан тузилган меҳнат шартномасини 2 март кунидан бошлаб бекор қилишни сўради.

Ташкилот раҳбари “И” билан тузилган меҳнат шартномасини ариза берилган кундан кейин икки ҳафтадан ўтгач бекор қилишини таъкидлади.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

39. Фуқаро Б.О давлат корхонасига мурожаат қилиб, ишчи хизматчиларга уй-жой ажратиш учун асос бўлган ҳужжатлар билан таништиришни сўраган. Давлат корхонаси масъул ходими томонидан Б.О.га турар жой ажратиш имконияти мавжуд эмаслиги маълум қилиниб, мурожаат қаноатлантирилмаган.

Шу сабабли Б.О маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, Б.О.нинг ахборот олиш ҳуқуқи бузилганлиги важи билан давлат корхонаси масъул ходимининг ишчи хизматчиларга уй-жой ажратиш учун асос бўлган ҳужжатлар билан таништирамасликда ифодаланган ҳаракатсизлигини ғайриқонуний деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

40. Туман ҳокимининг 1995 йил 16 августдаги 333-сонли қарори билан Навоий кўчасидаги 55-уйга нисбатан фуқаро Р.Д.нинг эгалик ҳуқуқи белгиланган. Р.Д. 1998 йил 18 мартда вафот этган. Кейинчалик, 2006 йил 11 апрелда нотариал идора томонидан марҳум Р.Д.га тегишли бўлган низоли уй-жойга унинг турмуш ўртоғи Л.Д. меросхўр деб топилган. Унга “Қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида”ги гувоҳнома ва биргаликда орттирилган мулкларининг ½ қисмига мулк ҳуқуқи асосида тегишли эканлиги тўғрисида гувоҳнома берилган.

Марҳум Р.Д. ва унинг турмуш ўртоғи Л.Д.нинг биргаликдаги турмушларидан 4 нафар фарзандлари бўлган. Уларнинг фарзанди, яъни ўғли фуқаро Ф.Д. фуқаро Л.К. билан 2003 йил ўзаро турмуш қуришиб, қонуний 11 никоҳдан ўтишган. Уларнинг турмушларидан 2006 йил 5 августда А.Д. исмли фарзанд туғилган. Ф.Д. 2008 йил 11 апрелда вафот этган.

Марҳум Ф.Д.нинг фарзанди А.Д. номидан унинг онаси Л.К. маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, марҳум Р.Д.дан қолган низоли уй-жойга унинг турмуш ўртоғи Ф.Д. ҳам қонуний меросхўрлардан бири бўлса-да, нотариал идора томонидан у меросхўр деб топилмасдан, фақат Л.Д. меросхўр деб топилиб, Ф.Д.нинг ҳуқуқлари бузилганлигини важ қилиб, Л.Д. номига берилган 2006 йил 11 апрелдаги “Қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида”ги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.  
Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

41. Шаҳар прокуратураси Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят бошқармаси манфаатида судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармасининг 1996 йил 14 январдаги 111-сонли ва 1998 йил 26 мартдаги 222-сонли буйруғини, шунингдек Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармасининг 1996 йил 23 январдаги 333-сонли мулкӣ ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордерини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Маъмурий судининг 2019 йил 15 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаблар тўлиқ қаноатлантирилган.

Ҳал қилув қароридан норози бўлиб иш бўйича учинчи шахс ҳисобланган “Х” МЧЖ 2020 йил 16 январда кассация шикоятини билан мурожаат қилиб, унга кассация шикоятини бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимоснома илова қилинган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

42. Аризачи А.Р. судга ариза билан мурожаат этиб, туман ҳокимлиги зиммасига туман ҳокимлиги ҳузурдаги ташкил этилган комиссиянинг 2021 йил 28 мартдаги 111-сонли баённомасининг 4-бандини ҳақиқий эмас деб топиб, унга тегишли бўлган уй-жой жойлашган ер майдони давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига яшаш учун бошқа уй-жой ажратиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Туманлараро маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Туманлараро маъмурий суди бунда шикоят уни имзолаш ваколатига эга бўлмаган “М” адвокатлик ҳайъатининг адвокати К.К. томонидан имзоланганлигига асосланган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

43. 2017 йилнинг 8 апрель куни фуқаро Д.Д. 2017 йил 2 январда туғилган боласи А.А. икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа тайинлашни сўраб “К” МФЙ раиси Г.Г.га мурожаат қилган.

“К” МФЙ раиси Г.Г. бошчилигидаги нафақа тайинлаш комиссиясининг 2017 йил 15 апрелдаги 5-сонли қарори билан яшаш шароити юқори деган асос бўйича икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа тайинлаш рад этилган ва бу ҳақда 2017 йил 26 апрелдаги 55-сонли хат орқали унга хабар берилган.

Бундан норози бўлган Д.Д. судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар “К” МФЙ раиси (оқсоқоли)нинг Д.Д.га болага икки ёшгача нафақа тайинлаш ҳақидаги талабни рад этишда ифодаланган хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни, унинг зиммасига нафақа тайинлаш мажбуриятини юклашни сўраган. Аризачи Д.Д. ўз аризасига МФЙ раиси томонидан 2017 йил 30 мартда берилган вақтинча ишсизлиги тўғрисидаги маълумотномани илова қилган.

Шаҳар маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад қилинган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

44. Туман ҳокимининг 2009 йил 10 августдаги 222-сонли қарорига асосан Наврўз МФЙда жойлашган умумий фойдаланиш майдони 75,50 квадрат метр, яшаш майдони 45,25 квадрат метр, умумий ер майдони 210,20 квадрат метр бўлган уй-жой Н.М.га тегишли деб эътироф этилган.

Н.М. 2009 йил 12 октябрда нотариал тартибда тузилган уй-жойни ҳадя қилиш ҳақидаги шартномага асосан ўзига тегишли бўлган ушбу уйни турмуш ўртоғи Л.М.га ҳадя қилган ва унинг номига кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган.

Н.М.нинг фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг 2018 йил 18 июндаги ҳал қилув қарори билан ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантириш рад қилинган, фуқаролик ишлари бўйича апелляция инстанцияси судининг 2018 йил 29 июлдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Шунингдек, Н.М.нинг Л.М.га нисбатан фуқаролик ишлари бўйича судларга берган бошқа даъволарини ҳам қаноатлантириш рад қилинган.

Шу сабабли, Н.М.нинг акаси К.М. маъмурий судга мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2009 йил 10 августдаги 222-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.



Маъмурий суднинг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад қилинган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

45. Тошкент шаҳар Олмазор туманида яшовчи фуқаро Р. 2020 йил 5 август куни Мирзо Улуғбек туманида давлат рўйхатидан ўтган “NEW YEAR” МЧЖ раҳбари Б.нинг ишдан бўшатиш тарзидаги ҳаракатларидан норози бўлиб, маъмурий судга мурожаат қилди ва Б.нинг Р.ни ишдан бўшатиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишни ҳамда ишга тиклашни сўраган.

Маъмурий суд 2020 йил 16 август куни аризани қабул қилишни рад этган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

46. 2020 йилнинг 4 август куни Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳрида яшовчи фуқаро Б. ўзига тегишли пенсияни олиш учун қизи Н.га ишончнома расмийлаштириш учун Самарқанд шаҳридаги 1-сон Давлат нотариал идорасига мурожаат қилиб ногиронлиги сабабли нотариал идорага бора олмаслигини ва нотариал ҳаракатни ўз уйида амалга оширишни сўради.

Нотариус иши жуда кўплиги боис Б.нинг уйига бора олмаслигини ва бошқа нотариусга мурожаат қилишлигини маълум қилди. Нотариуснинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлган фуқаро Б. маъмурий судга мурожаат қилди.

Маъмурий суд фуқаро Б.нинг аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

47. Вилоят ИИБ бошлиғининг 2016 йил 12 майдаги 21-сонли буйруғи билан фуқаро М.А. ички ишлар органларидан хизматдан бўшатишган.

Шу сабабли М.А. маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, вилоят ИИБ бошлиғининг 2016 йил 12 майдаги 21-сонли буйруғини қонунга мувофиқ эмас, деб топишни ва вилоят ИИБ бошлиғи зиммасига 2016 йил 12 майдаги 21-сонли буйруғини бекор қилиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Маъмурий суднинг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад қилинган.

48. 2017 йил 18 август куни фуқаро А.Жасуров Ўзбекистон Республикаси

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармасининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб маъмурий судга мурожаат қилди.

Аризада келтирилишича, давлат қўмитасининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармасига А.Жасуров Андижон вилояти Асака тумани Тиббиёт бирлашмаси балансида бўлган И.Бухорий кўчасида жойлашган ҳамда аввал 4-сонли тез тиббий ёрдам ва терапия бўлими жойлашган бинони сотиб олиш учун очиқ аукционда иштирок этиш мақсадида мурожаат қилган. Бироқ,

А.Жасуровга бундай аукционда иштирок этиш рад этилган. Бунга сабаб сифатида паспортнинг яшаш жойи акс этган саҳифасининг нусхасининг тақдим этилмагани кўрсатилган.

Суддан А.Жасуров Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармасининг хатти-ҳаракатларини қонунга зид деб топиб, ҳудудий бошқарма зиммасига А.Жасуровнинг ҳужжатларини қабул қилиб олиши ва очиқ аукционда иштирок этиш имкониятини бериш мажбуриятини юклашни сўради.

Бундан ташқари, маъмурий иш судда ҳал этилгунга қадар давлат кўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан Андижон вилояти Асака тумани Тиббиёт бирлашмаси балансида бўлган И.Бухорий кўчасида жойлашган ҳамда аввал 4-сонли тез тиббий ёрдам ва терапия бўлими жойлашган бинони кимошди савдосида сотишни таъқиқлашни сўради. Суд А.Жасуровнинг бундай илтимосини рад этди. Бунга жавобан А.Жасуров суд ажрими устидан апелляция тартибида юқори турувчи судга мурожаат қилди.

49. Фуқаро ўзбошимчалик билан қурилган иморатга мулк ҳуқуқини эътироф қилиш учун 1 013 650 (энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари) миқдорда бир марталик йиғимни тўлади. Туман ҳокимининг тегишли қарори қабул қилинганидан сўнг фуқаро кадастр идорасига мурожаат қилди. Кадастр идораси унга кадастр йиғмажилди учун тўлов амалга оширилиши лозимлигини таъкидлади. Фуқаро эътироз билдириб, энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида тўланган йиғимни қвитанциясини кўрсатди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

50. Фуқаролик ишлари бўйича шаҳар судининг 2017 йил 15 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан шаҳар ҳокимининг 2016 йил 18 ноябрдаги 111-Қ-сонли ва 2017 йил 25 майдаги 222-Қ-сонли қарорларининг қонунга мувофиқлиги текширилиб, фуқаролар К.К. ва С.Т.нинг аризасини қаноатлантириш рад этилган. Шаҳар ҳокимининг 2018 йил 22 июлдаги 333-Қ-сонли қарори билан унинг 2017 йил 25 майдаги 222-Қ-сонли қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Шу сабабли фуқаролар К.К. ва С.Т. маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, шаҳар ҳокимининг 2018 йил 22 июлдаги 333-Қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.